



ЯНГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЎЗБЕКИСТОННИ ШАРҚ ВА ҒАРБ, ЖАНУБ ВА ШИМОЛНИ БОҒЛОВЧИ ЙИРИК АВИАЦИЯ ХАБИГА АЙЛАНТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт лойиҳаси тақдимоти билан танишди ҳамда мазкур улкан мажмуа қурилиши бошланишига бағишланган маросимда иштирок этди.



Изчил тараққий этиб, улкан мегаполисга айланаётган Тошкент шаҳрига дунёнинг турли минтақаларидан сайёҳлару тадбиркорлар, инвестору давлат арбобларининг ташрифи кўпайиб бормоқда. Аниқ рақамларда айтадиган бўлсак, Ўзбекистон дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони 3 миллиондан 10 миллионга ошди. 2030 йилга бориб, 15 миллионга етади.

Яхши кўшничилик алоқаларининг тиклангани, чегараларнинг очилгани натижасида одамлар учун минтақамиз бўйлаб бемалол ҳаракат қилиш имконияти яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган Янги Тошкент шаҳри ҳам қулай жойлашуви, инвестиция жозибадорлиги, яшаш учун барча шароитга эгалиги боис, ғоят гавжум масканлардан бири бўлиши кутилмоқда.

Шунга мувофиқ, транспорт инфратузилмасининг барча йўналишлари мутаносиб ривожлантирилмоқда. Айниқса, авиация соҳасида янги экотизимни шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, ҳудудлардаги 7 та халқаро аэропорт замон талаблари асосида реконструкция қилиняпти.

Мўйноқ, Қўқон, Зомин, Шаҳрисабз, Сарийосиё, Сўх туманларида янги



аэропортлар барпо этилиб, уларнинг сони 18 тага етказилди.

Энг муҳими, соҳада рақобат муҳити яратилгани сабабли 15 та янги авиакомпания пайдо бўлди. Уларнинг авиапаркдаги ҳаво кемалари сони 26 тадан 105 тага етди.

Ҳозирда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Корея, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия, Россия, Польша каби давлатларнинг 51 та

авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида келгусида ҳам транспорт инфратузилмаси жадал ривожлантирилишини таъкидлади.

Жумладан, келгуси беш йилда авиапаркдаги ҳаво кемалари 180 тага, йўналишлар 230 тага, маҳаллий ва халқаро авиақатновлар сони эса йилга 200 мингга етказилади. Аэропорт инфратузилмасини хусусий

шериклик асосида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар изчил давом эттирилади.

— Ушбу ислохотларимизнинг пировард натижасида Ўзбекистонни Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни боғловчи йирик авиация хабига айлантиришни мақсад қилганмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги халқаро аэропорт қурилиши бунга катта замин бўлиши қайд этилди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегация бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Холид ал-Фалихни қабул қилди.

Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Саудия кўп қиррали ҳамкорлиги ва кенг қўламли шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Самарали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан

қайд этилди. Барча даражадаги алоқалар фаоллашди. Ўзаро савдо ҳажми, тўғридан-тўғри инвестициялар ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги авиақатновлар кўпайди.

Қўшма лойиҳалар портфели 27 миллиард долларга етди. “ACWA Power” компанияси билан энергетика соҳасида 15 миллиард долларлик қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳрида ўтган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилар-

монлар кенгашининг навбатдаги йиғилишларининг самарали натижалари, улар доирасида янги битим ва шартномалар имзолангани юксак баҳоланди.

“Яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, кўчмас мулк, мамлакатимиз ҳудудларида инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳа ҳамда ташаббусларни тез фурсатда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Подшоҳликнинг инвестициялар вазири Холид ал-Фалих, “ACWA Power”, “Al Muhaidib Group”, “Vision Invest”, “Data Volt”, “Riyadh Cables”, “AlMajdah”, “InterHealth”, “Saudi Tabreed”, “AlBawani Holding”, “Miahona”, “Remco” ва бошқа етакчи компания ҳамда корпорациялар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув аввалида Президентимиз икки давлат раҳбарларининг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари туфайли кейинги

йилларда Ўзбекистон — Саудия кўп қиррали шериклик муносабатлари юксак даражага кўтарилигани алоҳида таъкидлади.

Жорий йил бошидан буён юртимизда Саудиянинг 2 миллиард долларлик инвестициялари ўзлаштирилди. Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Авиақатновлар сони ҳафтасига 60 мартадан ортди.

Бугун икки мамлакат ўртасидаги самарали ва узоқ муддатли шерикликнинг

яна бир ёрқин далили бўлган тарихий лойиҳа — янги Тошкент халқаро аэропортининг қурилишига тамал тоши қўйилиши алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистоннинг иқтисодий трансформациясига, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган саудиялик ҳамкорларимизни биз доим юксак қадрлаймиз, — деди Президент.

➤ Давоми 2-бетда

МУҲАММАД АБУНАЙЯН: “ЎЗ ХАЛҚИНИ СИЗ КАБИ СЕВАДИГАН ДАВЛАТ РАҲБАРИНИ УЧРАТМАДИМ”



Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари, муҳтарам Саудия Арабистони инвестициялар вазири Холид ал-Фалих жаноблари, азиз ҳамкорлар ва қадрли меҳмонлар!

Авалло, барчангизга тинчлик, барака ва саломлар бўлсин!

Сизлар сўнгги саккиз йилда яқин ҳамкорликда амалга оширган ишларни бошқа мамлакатлар асрлар давомида ҳам бажара олмаслигини бутун фақат бу ерда тўпланган иштирокчиларга эмас, балки бутун дунёга намоён этдингиз.

Чиндан ҳам, бундай улкан натижаларга дунёдаги бирорта етакчи шундай қисқа муддатда эришмоғи жуда қийин.

Президент Жаноби Олийлари, мен аввал ҳам таъкидлаб айтганман: бу даражада катта ўзгаришларни амалга оширган етакчиларнинг икки нафарини биламан. Биринчиси — Сиз, Жаноби Олийлари, иккинчиси эса — Саудия валиаҳди, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ҳазрати Олийларидир.

Ўзбекистонда биз қўрган ва гувоҳи бўлган барча ютуқлар Сизнинг ўз ишингизга бўлган буюк ишонч-этиқодингиз ва фидокорона меҳнатингиз самарасидир. Сиз бу ишларни халқингиз ва Ватанингизга бўлган чексиз меҳр-мухаббатингиз туфайли амалга оширмоқдасиз.

Хабар қилинганидек, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт қурилишига тамал тоши қўйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Саудия Арабистонидан ташриф буюрган йирик инвестор — “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди. Куйида унинг нутқи эълон қилинмоқда.

Мен дунёнинг 24 та давлати раҳбарлари билан мулоқотда бўлдим. Лекин ўз халқини Сиз каби чин дилдан севадиган давлат раҳбарини учратмадим. Шунинг учун ҳам эл-юртингиз Сизни яхши кўриб, бошига кўтармоқда.

Мен Сиз билан йигирма марта учрашиш бахтига муяссар бўлганман. Ҳар бир учрашувдан олдин нутқ тайёрлаб, нималарни айтиш кераклигини обдан ўйлаб оламан. Аммо ҳар гал Сизнинг фикрингиз, азму шижоатингиз ва амалий ишларингиз бизниқидан устун келади. Сиз доимо жадал ҳаракат қиласиз, сидқидилдан ишлайсиз ва албатта натижага эришасиз.

Сиз маҳаллий ва хорижий инвесторларга катта эътибор қаратдингиз. Улар учун тенг имкониятлар яратиб бердингиз. Сиз Ўзбекистонни ҳар бир компания ва давлат учун энг яхши инвестиция маконига айлантирддингиз.

Сиз бошқарув ва шаффофлик асосида ўтмишдан қолган оғир меросни ортда қолдирдингиз ва янги тарих яратдингиз.

Мен 15 та мамлакатда инвестиция лойиҳасини амалга оширганман ва 30 дан зиёд давлатда бўлганман. Қаерга борсам ҳам “Янги Ўзбекистон” ҳақида эшитаман. Бу Янги Ўзбекистон — Сизнинг эл-юртингизга садоқатингиз ва тинимсиз меҳнатингиз маҳсули.

Бутун дунё бутун Сизни кузатмоқда, Сиздан ўрганмоқда. Сизнинг раҳнамолигингизда ишончли ҳукумат ва фидойи жамоа кечая кундуз меҳнат қилмоқда. Мен ҳафтасига етти кун, кунига 18-20 соат ишлайдиган ҳукуматни фақат Ўзбекистонда ва Саудияда кўрдим. Шунинг учун ҳам халқингиз Сизни

севмоқда, инвесторларингиз ва кўплаб давлатлар Сизни ҳурмат қилмоқда. Дунёдан кўп одамлар Ўзбекистонга турист сифатида ҳам, дўст сифатида ҳам, инвестор сифатида ҳам келишни хоҳлайди.

Ўзбекистоннинг буюк тарихи бор. Айни вақтда Сизнинг бутунги ютуқларингиз ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эга. Энг асосийси, Сиз ҳеч қачон эришган марраингизда тўхтаб қолмайсиз. Бугунги учрашувда ҳам Сиз 30 миллиард долларлик лойиҳалар якунига етказилгани, кейинги йилларда эса янги йўналишлар бўйича яна иш олиб борилишини айтдингиз.

Президент Жаноби Олийлари, Сизнинг асосий мақсадингиз — халқнинг ҳаёт сифатини яхшилаш. Сиз ёшларга катта ишонч билан қарайсиз. Янги Ўзбекистоннинг куч-қудратли ва келажаги — айнан ана шундай иқтидорли ёшлардир.

Саккиз йилда Янги Ўзбекистон учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Иншооллох, кейинги йилларда Ўзбекистон ўз салоҳиятини бутун дунёга янада яққол намоён этади. Янги Ўзбекистон нималарга қодир эканини ҳақон албатта кўради.

Президент Жаноби Олийлари, бизга кўрсатган ишончингиз учун раҳмат. Катта-катта ишларга етакчилик қилиб келаётганингиздан чекис миннатдоримиз.

Менинг икки устозим бор: бири — валиаҳд шаҳзода, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ҳазрати Олийлари, иккинчиси — Сиз, Президент Жаноби Олийлари. Мен Сиздан жуда кўп нарсани ўргандим. Сиз — менинг устозимсиз.

Яна бир бор катта раҳмат Сизга!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ САЛОМАТЛИК МАРАФОНИ ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА УМИД ВА ҲАЁТСЕВАРЛИКНИ ҚАЙТАРДИ



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Оролбўйи аҳолиси ҳаётида яна бир янги саҳифа очилди. Бундай дейишимизга тўла асос бор. Шу юрт фарзанди, журналист сифатида мазкур жараёни синчковлик билан кузатиб бораёмиз. Марафон доирасида саломатлигини тиклаётганлар билан суҳбатлашамиз. Юртдошларимиз сўзларига қулоқ тутиб, беихтиёр кейинги йиллардаги ислохотлар кўз олдимиздан бирма-бир ўтади. Ахир яқин йилларгача мураккаб жаррохликлар бепул ва юқори малака билан бажарилишини тасаввур ҳам қила олмасдик.

Ортга қайтмас ислохотлар айнан Қорақалпоғистондан бошланган эди. Оролнинг қуриган тубидаги яшиллик космосдан кўрингани фикримизнинг яққол исботидир. Худди шу яшилликка уйғун ҳолатда энг чекка овули ва қишлоқларда ҳам ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди. Бунинг учун барча жабҳада янгиланишлар амалга оширилди. Оролбўйи учун алоҳида имтиёзлар берилди. Натижада таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодий нафасланиш, умуман, барча жабҳага янги ҳаёт келиши кириб келди.

Бугун Қорақалпоғистон ҳавосидаги чанг деярли йўқолди. Инсонлар қалбига тоза ҳаво билан бирга ишонч ва ҳаётсеварлик ҳам қайтди. Бир вақтлар ёшлар катта шахарларга кўчиб кетиши авж олган овуллар ҳам энг ғавжум масканга айланди. Сайёҳлик ривожланди. Мамлакатимизнинг йирик иқтисодий қувватлари айнан Оролбўйида қад ростламоқда.

Президентимиз ўтган йили тадбиркорлар билан мулоқотни Қорақалпоғистонда ўтказди. Бу ҳам бежиз эмас. Шу орқали иқтисодий ислохотлар Оролбўйидан бошланиб, бутун юртимиз узра қанот ёзишига ишора бор эди, назаримда. Ана шундай катта ўзгаришлар қаторида саломатлик марафони ўтказилиши айтиш мумкин бўлди.

Олдимизга қўйилган катта маррани забт этишда инсон капитали ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, ижтимоий давлат мақомида олган янги Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Саломатлик марафони ана шу тарғибнинг ўзига хос янги қиёфаси бўлиб ҳаётимизга кириб келди.

Марафон доирасида Нукус шаҳридаги 12 та оилавий поликлиника ва 3 та жамоат масканида аҳоли диагностикадан ўтказилмоқда. Эътиборлиси, замонавий технологиялардан унумли фойдаланишда. Натижада аяда текзор ва аниқ тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди. Бундай технологик чимчалар беморларни йўналтириш ва рақамли тизимни жорий этишда қўл келяпти.

саъй-ҳаракати туфайли умид билан келган юртдошларимиз уйига қувониб қайтпти. Бунга кўрсатилган хизматларга доир рақамларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йил 14 октябргача 80 мингдан зиёд фуқаро кўриқдан ўтказилган. Улардан 4080 нафари амбулатор, 247 нафари эса стационар даволинишга йўналтирилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 19 фоиз ташқи муҳитга, 20 фоиз генетик омилларга, 9 фоиз соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва 52 фоиз турмуш тарзига боғлиқ экан. Глобал муаммо бўлган Оролнинг қуриши йиллар давомида юртдошларимиз саломатлигига салбий таъсир ўтказиб келди. Айнан шу муаммо Оролбўйи аҳолисининг турмуш тарзида салбий оқибатларини кўрсатди. Экологик муаммо, ёзда чанг, қишда лой кўчалар, ишсизлик, тан олинмаган камбағаллик, ижтимоий хизмат кўрсатишдаги йўқотишлар... буларнинг барчаси турмуш тарзимиздаги салбий оқибатларга олиб келди. Боз устига соғлиқни сақлаш тизими ҳам кўнгилдагидек ишламасди. Табиийки, бундай вазиятда аҳоли соғлигига муаммолар кўп бўлади.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб аҳолининг турмуш тарзи тубдан ўзгарди. Энди юртдошларимиз катта озулар, эртанги кунга ишонч билан яшайпти. Болаларини кўпроқ таълимга йўналтириб, юртимизда инсон капиталини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Ана шундай ўсиш ва ўзгаришлар даврида аҳолининг саломатлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биргина шу фактнинг ўзиёқ марафоннинг аҳамиятини теран англашга етарли, назаримизда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Яна бир муҳим факт. Марафон доирасида шифокорлар оғир жаррохлик амалиётларини муваффақиятли бажаряпти. Хусусан, Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникасида шу кунгача жами 41 беморда жаррохлик амалиёти ўтказилди. Масалан, Нукус шаҳридаги кўзи оғирлашган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Давлатёр Қошановда нейрхирургик жаррохлик амалиёти ўтказилиши зарур. Бунинг учун эса камида 30 миллион сўми чўнтакка солиб, Тошкентга бориши керак эди. Беморнинг бахтига Болалар миллий тиббиёт марказининг етук жаррохлари масъулиятини зиммасига олди. Жаррохлик амалиётини бепул ўтказиб берди.

— Боламнинг соғлом ҳаётга қайтаётганини кўриш жуда катта бахт, — дейди Давлатёришнинг онаси Сирға Исмоилова. — Бу фақат шифокорларнинг меҳнати эмас, балки давлатимиз раҳбарининг халқ саломатлигига юксак эътибори ва Оролбўйи аҳолисига ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқни рози қилиши йўлидаги янгиланишларда яққол кўзга ташланади. Ахир мураккаб жаррохлик амалиётини зиммасига олиши учун мутахассисда нафақат билим, балки маҳоратига ишонч ҳам бўлиши керак. Яратилган имкониятлар ана шундай ишонч бермоқда.



— Президентимиз тиббиёт соҳаси учун етарли шароитни таъминлаб бермоқда, — дейди Болалар миллий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи, нейрорехабилитация Олим Акрамов. — Шифокор кўнгилдагидек фаолият юритиши учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори технологиялар ва малака керак. Бизда ҳозир техникаси ҳам бор. Нукус шаҳридаги клиникада ҳам худди шундай шароит яратилган. Операцияларни маҳаллий мутахассислар билан бирга бажариб келяёмиз.

лабораторияси ва илғор симуляция маркази ташкил этилди. Бу марказ нафақат шифокорлар малакасини ошириш, балки талабаларни амалиётга яқин шароитда ўқитиш имконини беради.

“Касаллиқнинг энг яқин иттифоқчиси беморнинг қараб келиниди”, деган эди донишмандлардан бири. Тўғриси, яқин йилларгача Оролбўйи аҳолиси соғлиғи ҳақида гапиришни унчалик истамасди. Бунга ҳам ўзига хос бир неча сабаблар бор эди. Аввало, иқтисодий масала. Қолаверса, шифокорлар малакасига нисбатан ишонсизлик кучли эди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки узоқ йиллар соҳа ислох қилинмади. Ҳатто шифокор ва ҳамшираларга пахта теримида теккин ишчи кучи сифатида қараб келинди. Соҳа даврга монанд тараққиқ этилмагани учун беморлар имкон қадар марказий шифохоналарда даволинишни истарди. Бугун эса олис ҳудудлардаги клиникаларга ҳам замонавий технология кириб борди. Энди юртдошларимиз орасида ўз маҳалласи, туманидан олиста кетмай даволиниш омаллашиб бораёпти.

Марафон ана шу жараёни янада тезлаштирди. Эзгу тадбирда 800 дан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, оилавий шифокор ва патронаж ҳамширалар, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва филиалларининг етакчи мутахассислари ҳамда хорижий шифокорлар иштирок этмоқда. Улар амалий ишлари ва маслаҳати билан қорақалпоғистонликларга умид, ишонч берапти. Муҳими, халқимиз орасида тиббий маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Экологик муаммонинг Оролбўйи аҳолиси турмуш тарзи ва соғлиғига салбий таъсири сингари йиллар давомида йиғилиб келган масалаларни бир ёки икки кунда ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис, Қорақалпоғистон тиббиёт институти хузуридаги инновацион клиника нафақат тиббий хизмат кўрсатиши, балки аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, экологик инқироз оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи аҳолиси саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Клиникамиз тиббий-диагностика, таълим, илмий-инновацион ва хўжалик корпусларидан иборат яхлит мажмуадир. Унинг таркибидеда поликлиника, қабул бўлими, жаррохлик бўлими, анестезиология ва реаниматология, болалар гепатологияси ва гематологияси, бош ва бўйин хирургияси, минимал инвазив хирургия, травматология ортопедия, репродуктив патология бўлимлари фаолият юритади, — дейди Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси бош шифокори ўринбосари Сарвиноз Турманова. — Мақсадимиз аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат сифатини замон талабига мос равишда оширишдир. Бу йўлда клиникамизнинг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланмоқда. Халқаро грант лойиҳалари доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда 7,3 миллион долларлик замонавий тиббиёт



қўриқ натижаларига кўра, аҳоли уч гуруҳга тоифаланмоқда. Амалий соғлом деб топилганларга фақат соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тавсиялар берилмоқда. Хавф гуруҳига мансуб аҳоли учун индивидуал режа асосида зарарли одатлардан халос бўлиш ва касалликлар профилактикаси бўйича маслаҳат бераёмиз. Касаллиги аниқланганлар амбулатор ва стационар (кундузги стационар, шахар ва республика шифохоналарида) даволинишга йўналтирилмоқда.

Касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи тарғиботида қаратилган ушбу акция орқали ҳудудда яшовчи аҳоли 31 октябрга қадар скрининг ҳамда профилактик кўриқларга қамраб олинади. Ўз навбатида, текширув натижалари ягона электрон база — DMED ахборот тизимига киритилади. Бу келгусида беморларнинг саломатлигини мунтазам мониторинг қилиб боришда муҳим аҳамиятга эга. Содда қилиб айтганда, марафон туфайли одамлар саломатлиги хатловдан ўтказилмоқда. Мақсад аҳолининг касаллик билан мурожаат қилишини қутиб ўтirmай, олдиндан тиббий хизмат кўрсатишидир.

Соғлиқни сақлашнинг энг оддий ва осон йўли — соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш. Чунки тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик юрак-қон томир касалликлари, диабет ва семириш хавфини камайтиради. Марафон соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан



— Саломатлик марафонида аҳолини профилактик кўриқ ва скрининг текширувларига жалб этилмиш. Фуқароларнинг ўз саломатлигига эътиборли бўлиши, касалликлар профилактикасида доир тушунчалари бойишига имкон қадар ҳисса қўшяёмиз, — дейди Нукус шаҳридаги 8-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Зулфия Исмоилова. — Тиббий

дан эътироф этилаётир. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Қорақалпоғистонда саломатлик марафони ўтказилишини қўллаб-қувватлади. Тадбир доирасида ташкилот Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида бошланғич синф ўқувчилари учун тренинг ўтказди.

Тадбир ФАОнинг “Мақтаб овқатланиш дастури” синовида ўтказиш орқали

озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланиш яхшилашни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Бугун болаларга тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ўргатилса, эртага ҳозиргидек катта тадбирлар қилиб, саломатлигини тарғиб этишга зарурат қолмайди. Шу боис, ФАОнинг хавфсиз ва соғлом овқатланиш масалалари бўйича миллий маслаҳатчилари 3-4-синф ўқувчилари учун интерфаол дарслар ўтди. Ўқувчилар ўйин шаклида макро ва микро озуқалар нима эканини, нима учун мавсумий маҳсулотларни истеъмол қилиш муҳимлигини билди. Шунингдек, овқатланишнинг инсон саломатлиги ва экологияга таъсири ҳақида тушунча берилди.

Тренинг доирасида ўқувчилар қисқа видеороликларни томоша қилди. Викториналарда қатнашиб, эсдалик совғаларини олди. Шу орқали улар қалбига “Соғлом овқатланиш — бу куч-қувват ва ўзимизга ҳамда сайёрамизга ғамхўрлик!” деган эслатмани сингдиришга ҳаракат қилинди.

Рақамли асрда яшаймиз. Бундай техник имконият инсониятга барча соҳада қўлайликлар яратмоқда. Масалан, мураккаб жаррохлик амалиёти нанотехнологиялар ёрдамида муваффақиятли бажаришмоқда. Нукус шаҳрида ўтказилган “HealthTech AI Hackathon” танлови янги Ўзбекистон ёшлари аввалги уйғониш даврига асос солган аждодларга муносиб авлод эканини кўрсатди. Танловда тиббиёт соҳасидаги илғор ахборот технологиялари дастурлари тақдим этилди. Унда 36 та жамоа, 300 дан ортиқ иштирокчи излаб янги ташаббусни илгари сурди. Улар орасидан энг яхшилари саралаб олинди, мукофотланди. Муҳими, танлов ёш шифокорлар ва технология соҳаси мутахассислари келажак тиббиёти учун ечим излаб, ягона мақсад йўлида бирлашганини кўрсатди.


Соғлиқни сақлаш тизими инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Шу боис, унда илм ва малаканинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун соҳага дахлдор ҳар бир шахсда инсоний меҳр, эзгулик соғинчи бўлиши керак. Ана шу меҳр танловда қатнашган ёшларнинг қўлида порлаб турарди. Чунки уларни шу соҳага етаклаб келган сабаблар бор. Яъни кўпчилик “Hackathon”га мукофот илжинида эмас, балки яқинларининг оғрингани ҳис этиб, улар каби инсонларга кўмак бериш истагида келган. Бу меҳр дарёси, эзгулик соғинчининг илм-фан билан уйғунлашувидир. Шу боис, улар тақдим этган ишларнинг натижаси самарали ва манfaatли бўлди. Масъуллар бунга теран ҳис этгани ҳолда бундай лойиҳаларни янада ривожлантиришга кўмаклашиб, инвесторларни жалб этишга келишиб олди.

— Тадбирнинг дастлабки кунинда иштирок этган 36 гуруҳдан 30 таси танлаб олинди, — дейди Рақамли технологиялар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Атабек Сейитбаев. — Экспертлар синовида муваффақиятли ўтган лойиҳалар амалиётда қўлланади. Ишланмаларни баҳолашда тиббиётда қанчалик самара бериши, ишлатишга қўлайлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинди. Муҳими, тақдим этилган жуда кўп ишланмаларни мутахассислар юқори баҳолади. Тиббиётни рақамлаштириш орқали касалликларни эрта аниқлаш, сурункали касалликларни прогноз қилиш мумкин. Соҳадаги ютуқлар сабаб ҳатто инсон саломатлигини реал вақтда кузатиш имконияти яратилади. Яна бир эътиборли жиҳати ушбу танловда иштирокчиларнинг 40 фоизи ўз гоёларини дадил ҳимоя қилаётган, ноёб маҳсулотлар яратётган ва мураккаб технологияларда осон йўналиш олаётган қизлардан иборат.

Албатта, энг яхши гоёлар грантлар, акселерация ва инкубация дастурлари орқали қўллаб-қувватланади. Шунингдек, гоёлар венчур фондларидан инвестиция жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Муҳими, лойиҳа давом этади. 2026 йил якунига қадар унда минглаб ёш мутахассис қатнашади. Бу сафар ҳам халқимиз ҳаётида туб ўзгариш ясайдиган ислохотлардан бири Қорақалпоғистонда бошланиб, юртимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзадиган бўлди.

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС ЙЎЛАКЛАРИ

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ЯНГИЛИК



Ҳақим Йўлдошев оған суратлар.

Кўламини янада ошириш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимиз кўчаларида жамоат транспортига устунлик бериш чоралари кўрилмакда. Аввало, эски русумдаги автобуслар ўрнини хориждан олиб келинаётган замонавий транспортлар, хусусан, электробуслар эгаллади. Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрида сўнгги икки йилда автобуслар сони икки баробар, ўртача сигими эса 74 фоиз ошган. Харакатнинг оралиқ интервали ҳам бир неча марта қисқарди, олдингидек соатлаб куттишга тўғри келмайти. Автобусларнинг ички қисми эса барча қўлайликка эга: ҳаво совитиш ва истиш ускуналаридан тортиб, электрон тўлов тизимларигача мунтазам ишламоқда.

Аммо аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланишини рағбатлантирадиган яна бир муҳим жиҳат бор бу — манзилга тез ва хавфсиз етиб олиш мақсади. Ушбу масала соҳа вакиллари олдидаги асосий вазифага айлангани, бу борада ҳуқуқий асослар яратилиб, аниқ чора-тадбирлар кўрилатгани боиси шунда. Йўлларнинг ён қисмида алоҳида автобус йўлакларини ташкил этиш орқали тезкор автобус йўналишлари тизими жорий этилаётгани ана шу вазифаларнинг бир қисми.

Тошкент шаҳрида илк бор алоҳида автобус йўлаги 2023 йил бошида Юнусобод туманининг Амир Темуր شوҳқўчасида очилгани ва “А” белгиси билан ажратилгани кўпчиликнинг ёдига. Аста-секин бундай йўлаклар пойтахтимизнинг бошқа кўчаларида ҳам пайдо бўла бошлади. Ушбу алоҳида йўлакларнинг афзаллиги — кўчанинг ўнг томонида фақат автобуслар юриши мумкин ва унда енгил автомобиллар ҳаракатланиши тақиқланади. Бу орқали жамоат транспортининг тирбандликларга қолмай, аҳолини манзилга тез ва сифатли етказиш кўзда тутилган.

Ўтган қисқа муддатда бу амалиёт ўзини оқлади. Ҳақиқатан, алоҳида ажратилган автобус йўлаклари жамоат транспортининг ҳаракатланиш тезлигини бир неча баробар оширди. Тирбандликлардан ҳоли йўлаклар автобусларнинг манзилга етиб бориш вақтини ҳам анча қисқартирди. Шу боис, улар ҳаракати учун алоҳида жой ажратилганини кенг жамоатчилик ижобий кутиб олиб, қўлаб-қувватлаётган.

Ҳаракат тезлиги ортди

Юртдошларимиз жорий йилнинг 7 октябрь кунин Тошкент шаҳридаги Шота Руставели кўчаси бўйлаб фойдаланишга топширилган яна бир алоҳида автобус йўлагини ҳудди шундай мамнуқлик билан қарши олди. Ижтимоий тармоқларда ҳам кўпчилик ана шу йўлак ҳақида гапирди, алоҳида қизиқиб билдирди. Йўлакнинг эътиборни тортадиган жиҳати эса одатдаги автобус йўлларида фарқли тарзда йўлнинг ён қисми эмас, балки ўрта — марказий қисми бўйлаб ўтганида.

Шу тариқа Ўзбекистонда илк бор автобуслар йўлнинг ўрта қисмидан ҳаракатлана бошлади. Бу амалиёт биринчи бўлиб пойтахт

тимиздаги Шота Руставели кўчасида йўлга қўйилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, биринчи босқичда ушбу йўлак орқали 38-, 57- ва 58-йўналишдаги автобуслар ҳаракатланмоқда. Яқин вақтларда кўча бўйлаб ўтadиган 22 та йўналишдаги транспортларнинг барчаси марказий автобус йўлаги орқали юра бошлайди.

— Шота Руставели кўчасининг умумий узунлиги 7 километр бўлиб, шундан 5 километри бўйлаб йўлнинг ўртасида жамоат транспорти ҳаракатланиши учун алоҳида яшил йўлак ташкил қилинди, — дейди Тошкент шаҳри транспорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Оллоёр Норбўтаев. — Марказий автобус йўлаги пойтахт транспорт тизимини замонавийлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз амалиётида янгилик-дир. Бунинг учун нега айнан Шота Руставели кўчаси танлангани кўпчиликни қизиқтиряпти. Гап шундаки, бу кўча бўйлаб нисбатан кўп йўналишдаги жамоат транспорт ҳаракатланади. Қолаверса, аввалдан пиёдалар ҳаракатланиш йўлаклари, автобуслар тўхташ жойларига талаб катта бўлган. Шу боис, лойиҳа доирасида мазкур кўча танабл олиниб, биринчи босқичда реконструкция ишлари бажарилди. Ҳозир автобус бекатларини ўрнатиш ва тозалаш ишлари охиригача босқичда. Ишлар якунига етгач, кўча бўйлаб ўтадиган барча йўналишдаги жамоат транспортлари янги марказий автобус йўлагига ҳаракатлана бошлайди ва бу ҳақда йўловчилар хабардор қилиб борилади. Эътиборли жиҳати, янги йўлак фойдаланишга топширилиши натижасида ушбу кўча бўйлаб автобусларнинг ҳаракатланиш тезлиги ўртача 11 фоиз ошиши, ҳаракатланиш вақти эса 7 дақиқага



Ҳақим Йўлдошев оған суратлар.

қисқариши ҳисоблаб чиқилган. 22 йўналишдаги автобусларнинг барчаси ўрта йўлакдан ҳаракатлана бошлагани, кунига 200 мингга яқин йўловчи ташилиши кутилмоқда. Бу аввалгига нисбатан 30-40 мингга кўп дегани.

Ҳозир ҳаракатланаётган уч йўналишдаги автобуслардан аллақачон одамлар фойдалана бошлади. Бир неча юртдошимиз билан сўхбатлашганимизда, автобусларнинг ўрта йўлакдан ҳаракатланиши қўлай экани, бошқа транспорт воситалари халал бермаслиги, ўрта йўлакка ўтиш ҳам унчалик қийинчилик туғдирмагани ҳақида гапирди.

— Бу йўлак ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар топдим ва бутун ўзим ҳам биринчи марта фойдаланимман, — дейди йўловчилардан бири. — Бекатга ўтишга қийналмадим, чунки ер ости йўли барпо этилибди. Ер устида ҳам пиёдалар ўтиш йўлаги бор. Назаримда, бу йўловчиларга қўлайлик яратди. Автобус йўлагининг ўртада жойлашгани ҳам қўлай. Босиш, йўлак чети тўсилгани ҳисобиға автобусларнинг ҳаракатига бошқа транспорт воситалари халал бермайдми. Ортиқча тирбандликсиз манзилга тез етиб олиш мумкин. Айниқса, мен каби талабаларга бу аини мудоаа. Ҳудди метро линияси каби автобуслар учун ҳам алоҳида йўлакнинг бўлиши жамоат транспортидан фойдаланиш қўлайлигини оширади.

Лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам шу — шаҳар кўчаларида жамоат транспортига устуворлик бериш орқали тирбандликларни камайтириш, йўловчилар учун қўлай ва хавфсиз шароит яратишга қаратилган. Автобуслар йўлагининг ўртада жойлашгани эса самарадорлигини янада оширади. Бундай амалиёт хориж тажрибасида ҳам омалашган, кўпгина

давлатларда автобуслар асосан йўлнинг ўрта қисмида ҳаракатланади. Мутахассисларнинг айтишича, автобус йўлакларининг ўртада жойлашиши ўтказувчанлик имкониятини ошириб, тирбандликларсиз ҳаракатланишга хизмат қилади.

Энг оқилона ечим

Шота Руставели кўчасида фойдаланишга топширилган автобус йўлаги мамлакатимиз амалиётида янгилик бўлишига қарамай, кўпчилик бунин кутгани сир эмас. Шу боис, юртдошларимизнинг аксари янгиликни ижобий қабул қилди. Бу, бир жиҳатдан, шахримиз кўчаларида жамоат транспортидан фойдаланиш кўрсаткичи ошиб бораётгани, бошқа жиҳатдан, енгил автомобиллар кўпайиши ҳисобиға ортаётган тирбандликлар одамларни толиқтираётгани билан боғлиқ. Биргина мисол: олдинлари тигиз вақтлар одатда эрталаб ва кечқурунға тўғри келган бўлса, ҳозир кўннинг исталган пайтида, шаҳарнинг исталган ҳудудида тирбандликларда қолиб кетиш мумкин. Маълумотларга кўра, пойтахтда автотранспорт воситалари доимий ҳаракатланадиган асосий йўл тармоқлари узунлиги 470 километр бўлгани ҳолда 380-400 минг автотранспорт ҳаракатига мўлжалланган. Аммо одатда бу рақам 1 миллионга етиб, автотранспортлар ҳаракати бир вақтнинг ўзида ҳаракатланиш сизимини 2 баробар ошиб кетаяпти. Бу асосий кўчаларга 2 марта кўп юкмача тушяпти дегани. Йўлларда турнақтор тирбандликлар юзга келиши ҳам шу билан боғлиқ.

Бундай шароитда одамлар йўлларда жамоат транспортига устунлик берилиши ва улар учун ажратилаётган “А” белгилли йўлакларни янада кенгайтириш тарафдори. Асосийси, уларда енгил автомобиллар ҳаракатланишини тақиқлашни қатъий назоратга олиш лозим. Босиш, “А” белгилли йўлларда ҳаракатланиш одатдагидек давом этиб, исталган машина эркин фойдаланса, у ҳолда алоҳида йўлларни белгилаб, махсус белгиларни чизиб чиқиш ортиқча оғиргарчиликдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жамоат транспортни яна аввалгидек тирбандликда қолади ва унинг алоҳида йўлда ҳаракатланишида ҳеч қандай маъно йўқ.

Автобус йўлакларини йўлнинг ўрта қисми бўйлаб ўтиши эса масала ечимини анча осонлаштиради. Шота Руставели кўчасининг марказий қисмидаги яшил йўлак ҳам фақат автобуслар учун мўлжалланган. Тўғри, унда махсус транспорт воситалари, хусусан, “Тез ёрдам”, ўт ўчириш машиналари ҳаракатига рухсат бери-

лади. Аммо бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, тўхташи ёки йўлни кесиб ўтиши қатъий тақиқланади. Мазкур йўлда енгил автомобиль ёки скутерлар ҳаракатланса, камералар қондабузарлиқни қайд этади ва тегишли миқдорда жарима ёзилади.

Бу пиёдалар хавфсизлиги учун ҳам муҳим. Ана шу хавфсизликни янада ошириш мақсадида йўлнинг ўрта қисмида жойлашган автобус бекатларига ўтиш бўйича ҳам йўловчилар учун муайян тартиблар ўрнатилган. Жумладан, автобус бекатига бориш учун йўловчилар йўлни фақат белгиланган пиёдалар ўтиш жойи орқали кесиб ўтиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир бекатда махсус пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилган. Айрим бекатлар олдида ҳам ер ости, ҳам ер усти пиёдалар ўтиш жойи мавжуд. Автобустга эса йўл ўртасида жойлашган махсус платформага фақат белгиланган пиёдалар ўтиш жойи орқали

чиқиш керак. Белгиланмаган жойдан ўтиш эса қатъий ман этилади. Платформада ҳаракатланганда сариқ хавфсизлик чизиғи ортида туриш, автобус тўлиқ тўхтагандан сўнг эшикка яқинлашиш тавсия этилади. — Пиёдалар ўтиш йўлаги ва бекат ораси жуда яқин, бу болаларнинг ҳам хавфсиз ўтишига хизмат қилади, — дейди бир онахон. — Бекатлар орасидаги масофа ҳам узоқ эмас. Борди-ю, биз каби кексалар адашиб бир бекат олдинга ўтиб кетса ҳам ортга пиёда қайтиш қийинчилик туғдирмайди.

Йўл четидидаги “А” йўлаклари ўз ўрнида қолади

Янги йўлак борасида фикрлар хилма-хил. Йўловчиларнинг кўпига бу амалиёт маъқул. Аммо енгил автомобиль ҳайдовчилари автобус учун ўрта қисмдан алоҳида жой ажратилгани йўлларни торайтириб, тирбандликларни янада оширишидан хавотирда. — Аслида, тирбандликларни камайтиришнинг асосий қоидаларидан бири йўлларда жамоат транспортга устуворлик бериш, уларнинг ҳаракатланиши учун қўлай шароит яратишдир, — дейди Тошкент шаҳри транспорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Оллоёр Норбўтаев. — Бу енгил автомобиллар ҳаракати учун ҳам қўлайлик туғдирди. Шота Руставели кўчасидаги марказий автобус йўли мисолида олсак, реконструкциядан олдин йўлнинг икки четидида бир ярим бўлакдан уч бўлаги автомобилларнинг узоқ вақт тўх-

таб туришига хизмат қиларди. Фақат ўртадаги учтадан олтига бўлакда автомобиллар ҳаракатланган. Ҳозир эса автобуслар учун алоҳида йўлакдан ташқари, учта бўлакда автомобиллар ҳаракатланиши ҳамда бир бўлакда тартибли йўл бўйи тўхтаб туриш жойлари ташкил этилди. Яъни автобус йўлаги автобусларнинг ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатмайди. Аини пайтда Шота Руставели кўчаси бўйлаб 5 километрли марказий автобус йўлаги, 500 га яқин автомобил тўхтаб туриш жойи, пиёдалар ва велосипед учун 21 та хавфсиз ўтиш жойи, икки томонлама 11 та автобус бекати ўрнатилган. Автомобиль тўхтаб туриш жойларининг ҳар бири техник талаблар асосида белгиланган. Бу йўл ҳаракати хавфсизлиги бузилмаслиги, пиёдаларга хавф туғдирмаслигига хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида битта енгил автотранспорт воситасидан бир кунда ўртача 4,8 йўловчи ташилса, битта автобустда бу кўрсаткич ўртача 700-800 йўловчини ташкил этмоқда. Бу автобуснинг енгил автотранспортга нисбатан 145 баробар самарадор эканини кўрсатади. Қолаверса, шаҳарда тирбандликларнинг олдини олиш, аҳолининг кўнлик ҳаракатланишга эҳтиёжини таъминлаб, йўлга сарфланадиган вақт ва моддий ресурслар самарадорлигини ошириш учун ҳам сифатли, қўлай, хавфсиз ва жоизбадор жамоат транспорт тизимини жорий этиш лозим.

Шу жиҳатдан катта шаҳарларда автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этиш зарур. Мутахассисларнинг маълумотиға кўра, пойтахтимизда артериал ҳисобланган 36 та йўлак мавжуд бўлиб, Президентимизнинг тегишли қарорига биноан уларнинг барчасида автобуслар учун умумий 472 километрдан ортиб алоҳида йўлаклар ташкил этиш белгиланган. Бу шаҳарда жами 36 та автобус йўлаги бўлади дегани. Шота Руставели кўчасида фойдаланишга топширилган марказий автобус йўлаги ана шу лойиҳанинг бир қисми. Одамларни



Ҳақим Йўлдошев оған суратлар.

эса “Энди автобус йўлакларининг ҳаммаси йўлнинг ўрта қисмида жойлашадими? Аввал йўлнинг четида ташкил этилган автобус йўлаклари ҳам ўрта қисмга ўтказиладими?” каби саволлар қўзғатирмоқда.

— Автобус йўлакларини кўчанинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Шота Руставели кўчаси ўрганилганда, юқорида айтилганидек, қатор омилар сабаб жамоат транспортни учун яшил йўлак айнаи йўлнинг ўрта қисмида бўлиши қўлайлиги аниқланди, — дейди Оллоёр Норбўтаев. — Бошқа кўчаларда йўлнинг четига қилинган автобус йўлаклари эса ўз ўрнида қолади. Талабдан келиб чиққан ҳолда бошқа кўчаларда ҳам йўлнинг ўрта қисмида автобус йўлакларини ташкил этиш мумкин, лекин ҳозирча аниқ кўча белгиланмаган. Ўрганиш жараёнлари босқичма-босқич олиб борилади.

Кейинги босқичларда яхлит йўлак ҳисобланган Янги Сергели, Шахрисабз ва Амир Темуր кўчаларида алоҳида автобус йўлакларини ташкил қилинади. Бу йўлаклар йўлнинг ўрта ёки ён қисмида бўлиши ҳар бир кўчанинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, Янги Сергели кўчасининг ўрта қисмида яшил ҳудуд мавжудлиги боис, унда автобус йўлагини ташкил этиш мураккаб. Кўчанинг икки томонида эса алоҳида автомобиль тўхташ жойлари бор ва йўл бўйи тўхташ жойларига талаб камроқ. Шу боис, бу ерда автобус йўлагини айнаи йўлнинг ён қисмига жойлаштириш қўлайроқ.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАДБИРКОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

Орамиздаги одамлар


Фарғоналик Шухратжон Шамсиддинов тадбиркорлиқни бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган йиллар унинг ҳаёти ва ишларида ўзига хос воқеаларга бой бўлди. Қаҳрамонимиз Фарғона политехника институтига тахсил олди. Ёшлигидан мақсади сари интилишга одатланган Шухратжон хорижий тилларни ўрганди. Албатта, бунга эришиш ёш тадбиркор учун осон бўлгани йўқ. У ўз мақсади йўлида кўплаб қийинчиликларга дош берди, баъзан ютди, баъзан ютқазди. Аммо мақсадидан қайтмади, юрт тараққиёти, ривожига баҳоли қудрат хисса қўшишга ҳаракат қилди, изланди, имконият қидирди.

Дастлаб компьютер хизмати кўрсатиш ва чакана савдо йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Ички бозорда рақобат муҳитини шакллантириш, янги иш ўринларини кўпайтириш мақсадида БААдан тўғридан тўғри маҳсулот харид қилиш тизимини йўлга қўйди. Олдин ишлардан бошланган фаолият турли йўналишларда хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш имконини берди. Тадбиркор “Ермозор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 450 ўринли замонавий тўйхона, умумий овқатланиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйиб, ўнлаб янги иш ўринлари очди. Ишлари аста-секин юриши бошлаган ёш ишбилармон “Fergana motors” масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Тармоқ бутун автомобилларга техник хизмат кўрсатишда етакчи ўринда туради. Шунингдек, автомобиль ва электромобиль савдоси ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, уларга техник хизмат ҳам кўрсатилади. Корхона ишчиларининг аксарияти меҳнат мигрантлигидан қайтган, ижтимоий ҳимоя реестрига олинган оилалар фарзандлари. Бу ерда “уста-шогирда” аъёнаси асосида маҳалла ёшларига касб-хунар ўргатиляпти.

— Ишга жойлашганимга бир йилдан ошди, — дейди механик уста Акмал Ғофуров. — Бир неча йил хорижда турли юмушларни бажариб юрдим. Маҳалламизда автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган тармоқ ташкил этилганидан хабар топиб, ишлаш учун қайтиб келдим. Ҳамама шарт-шароит бор. Маошини ўз вақтида оламиш, рағбатлантириш йўлга қўйилган. Муҳими, оила аъзоларим, яқинларим олдида, тинч, эмин-эркин ишляяпман.

Тадбиркор изланиш, интилишдан тўхтамайди. Ермозор маҳалласи ҳудудида кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Унга ҳамоҳанг янги инфратузилма тармоқлари барпо этилаётгани одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаяпти.

— Тадбиркорликка муносабат буткул ўзгарди. Очқилқиб сиёсати кириб келди, ўзаро мулоқот майдони шаклланди. Ишлайман деганга барча шароит, имконият бор. Дастлаб кичик ишлардан бошланган фаолиятимиз катта лойиҳаларга йўл очди. Бугун ўз меҳнатимиз билан эришганларимиздан нафақат моддий манфаат, балки маънавий рағбат ҳам оляпмиз. Чунки юртимизда тадбиркорларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатиляпти. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан мулоқотидаданиҳоятда руҳландим, — дейди Шухратжон



Шамсиддинов. — Бундай қўллов натижасида кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Сармоядорлар оқимини кўпайтиб, инвестициялар миқдори ошди. Масалан, йиллик айланма маблағи 1 миллиард сўмгача бўлган

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ШУХРАТЖОН ШАМСИДДИНОВАЙ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИҚ. ШУ БОИС, БУГУН ҚАҲРАМОНИМИЗ КАБИ ЭЛ-ЮРТ ДУОСИНИ ОЛАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАР САФИ КЕНГАЙИБ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ КўПАЙИБ БОРМОҚДА.”

кўпи билан 1 миллион сўм тўлайди. Ёки айланмаси 100 миллиондан 1 миллиард сўмгача бўлганда илгари 30-40 миллион сўм солиқ тўларларди. Энди унинг солиқ юки 3-4 ҳисса камайдиган бўлди. Яна бир масала: меҳмонхона қурмоқчи бўлган тадбиркорлар ер сотиб олиш учун пул тўламайди. Булар соҳа ривожини йўлидаги жуда катта имкониятдир. Ҳа, янги Ўзбекистонда Шухратжон Шамсиддиновдай тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги очик. Шу боис, бугун қаҳрамонимиз каби эл-юрт дуосини олаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб, янги иш ўринлари кўпайиб бормоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза

Кўпчилик қатори мен ҳам аксарият вақтимни турли ижтимоий тармоқларда ўтказишга одатланганман. Шу кунларда “ким нени изласа, топгай бегумон” майдонида билдирилган бир фикр эътиборимизни тортди. Кискаси, YouTube саҳифасидаги подкастлардан бирида айтилишича, ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган идеал ҳаёт, идеал инсон ҳақидаги ёлгон тасаввурлар ёшларни ҳаққоний ҳаётдан узиб қўяётган, уларнинг ҳаётини издан чиқаришга хизмат қилаётган экан. Аммо шу ўринда бир савол ўртага чиқади: хўш, идеал ўзи нима ва нима учун керак? Айни давр кишилари учун идеал сиймо қандай шаклланмоқда?

Аввало, ушбу тушунчанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхталсак. Идеал тушунчасига бир қанча илмий, назарий таърифлар берилган. Уни бир сўз билан жамиятнинг руҳий йўналишини белгилайдиган тимсол дейиш мумкин. Бугун Ўзбекистонда ёшлар кимни намуна деб билади, қандай фазилатни қадрлайди, қайси ғоя уларнинг юрагига яқин — ана шу саволлар давр руҳи ҳақида энг аниқ тасаввур беради. Уларга топиладиган жавоблар эса идеал тимсол моҳиятига бизни яқинлаштиради. Шу маънода, ёшлар онгига қандай қадрият илдири олаётгани, улар қандай инсоний фазилатларни қадрлаётгани ҳар қанонидан-да муҳим.

Ҳар бир жамият ўз тараққиёт йўлида янги авлод учун маънавий мезон, идеал излар экан, баркамол инсон образи жамият оғзидан ифодаси сифатида намоён бўлади. Шу боис, ёшларнинг идеални шакллантириш, уларни миллий руҳ ва замонавий тафаккур уйғунлигида тарбиялаш масаласи ҳар қандай даврда, ҳар қандай мамлакатнинг энг долзарб маънавий вазифаларидан бири бўлиб келган.

Тарихий илдиз

Миллий идеал илдизи халқнинг ўзини англаш тарихи билан боғлиқ. Ўзбек халқи асрлар давомида ўз ҳаёти, меҳнати, урф-одатлари, қўшиқлари, афсоналари, дostonлари орқали идеал инсон қиёфасини шакллантирган. Бу идеал ҳар бир даврда шаклу шамойилини ўзгартирган бўлса-да, моҳияти ўзгармаган — инсоннинг қалби пок, сўзи рост, меҳнати ҳалол бўлиши керак.

Тарихий манзара халқ идеалининг дастлабки қатламлари мифологик тафаккурдан бошланганини кўрсатади. Табиат билан ҳамнафас яшаган аждодлар сув, олов, дарахт, ҳайвон, осмон каби кучларни муқаддас деб билган, уларни ҳаёт тимсоли сифатида қўйлаган. Кейинчалик бу эътиқодлар диний ва бадий тафаккурга қўйиб, шеър ва қўшиқ орқали эстетик шакл олган. Ана шу жараёнда халқ ўз орзуларини, меҳр-муҳаббатини, садоқатини, ор-номусини бадий образлар орқали ифода этган.

Шу илдиз кейинги асрларда ҳам турли кўринишда ривожланган. Илк даврларда идеал

ЖАМИЯТНИНГ ИДЕАЛГА ЭҚТИЁЖИ

БУГУН ҚАЙ ТАРЗДА ШАКЛЛАНМОҚДА?



Тарихий қатламлар орасидаги узвийликни сақлаш ҳам зарур. Алпоммиш давридaн келаётган жасорат руҳи маърифатпарварлар орқали илмга қўчди, бугун эса технология ва ижод билан уйғунлашмоқда. Ўзгараётган шакллар ичидa ўзгармас моҳият мужассам. Бу — жамиятнинг идеалга эҳтиёжи. Шу эҳтиёж бугунги идеал сиймосини қонун устуворлигини тан оладиган, турли миллат ва қарашдаги инсонлар билан ҳамкорлик қилadиган, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўладиган, рақамли маданият талабларини тушунадиган шахс кўринишида намоён этади.

Демак, миллий идеал илдизларини англаш бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Идеалнинг илдизи эса халқнинг она тили, қўшиқлари, эътиқодида яшайди. Уни чуқур англаш ёш авлод онгига миллий ўзлиқни мустаҳкамлаш, маънавий таянчини тиклаш,

тарихий руҳни замонавий тафаккур билан боғлаш дeмақдир. Шу йўсинда миллий идеал асрлар оша янгиланиб, бугунги авлод қалбида ҳам яшаб қолади.

Маънавий майдондаги кураш

Бугун идеал қаерда, қай йўсинда ва қандай шаклланмоқда? Бу саволга жавоб излаётган жамият аслида ўз руҳий маркази, таянч нуқтасини ахтараятган бўлади. Чунки идеал халқ ўзини қандай кўрмоқчи, қандай инсонни “бизга ўхшаш” деб билаётгани билан белгиланади. Ўтмишда бу мезон муайян маънода аниқ, жамият ўзи яратган идеаллар, қаҳрамонларга нисбатан қўлланар эди. Энди эса жараён бирмунча мураккаб: турли манбалар, турли йўналишларда бир пайтда шаклланмоқда. Энди у фақат дарслик, фильм ёки минбарларда эмас, балки ижтимоий тармоқда, маҳалла лойиҳаларида, стартапларга асос солаётган ёшлар орасида, илмий лабораторияда, саҳнада, ҳатто оддий меҳнат жойларида ҳам пайдо бўляпти. Бу жараён кўп қиррали, лекин муҳим жиҳати, идеал халқ орасидан чиқаяпти, яқин ўтмиш манзарасидан фарқи равишда юқоридан тайёр шаклда тушмаяпти.

Давр ўтгани сайин идеални шакллантирувчи кучлар ҳам ўзгарди. Авваллари давлат мафкураси бир йўналишини кўрсатган бўлса, ҳозир бу вазифани жамият, ахборот майдони ва тармоқдаги янги авлод ижодкорлари бўлиб олапти. Телевизион дастурлар, блоглар, жамоавий ташаббуслар, спорт майдонлари, ижодий лойиҳалар — барчаси шу мураккаб механизмнинг бир қисми. Кимдир бу майдонга спорт орқали қираяпти,

кимдир ижтимоий фаолият, кимдир технология, кимдир санъат билан. Шу боис, бугунги идеал кўп қиёфали, лекин ягона руҳга эга — у ҳаракатда, ижодда ва масъулиятда шаклланмоқда.

Аммо айнан шу эркинлик идеал ҳақидаги тасаввурларимизни бир оз лойқалаштириб қўйди. Энди ҳар кимнинг “қаҳрамони” ўзгача. Кимдир саҳнадаги санъаткори, кимдир YouTube платформасидаги стримери, кимдир чемпион спортчини, кимдир эса илмга бош қўйган ёшни идеал деб билади. Ўтмиш марказини алгоритмлар бошқараятгани жамиятнинг идеал танлашини мураккаб ва бир қадар чигал кўринишга олиб келди. Шунинг учун бугунги идеалнинг қиёфаси бўлиниб кетгандек: бир томонда тез муваффақият, машхурлик, бирламчи таассурот берувчи кўринишлар, иккинчи томонда эса сокин, лекин барқарор меҳнат ва фикр.

Шу манзара аслида жамиятнинг ўзини таҳлил қилаётган кўзгусидир. Идеал нима билан ўлчанаётгани ўша жамиятнинг ички эҳтиёжи билан боғлиқ. Ҳозир бизга ташаббускор, билимли, очиқ фикрли, аммо миллий илдизини унутмаган инсонлар керак. Шу сабабли идеални яратиш ҳам энди фақат расмий соҳа зиммасида қолаётгани йўқ. У журналистнинг қаламида, муаллимнинг дарсида, кинофильм кадрларида, мусиқа оҳангидa, тармоқдаги кичик ҳикояларда шаклланапти.

Бугун идеал тасодифан пайдо бўлмайди, у ахборот оқими, эътироф механизми, тармоқдаги диққат марказлари орқали юзага чиқади. Агар эътироф фойдалаи гоялар, ҳалол меҳнат ва илмга қаратилса, жамият идеални шу йўналиш белгилайди. Акс ҳолда, тез эътиборга тушадиган, аммо мазмунан саёз образлар маънавий майдонни ҳам аста-секин

эгаллай боради. Шу сабабли бугун идеални яратиш ва кўрсатиш, унга ишонч бериш масъулияти ҳар бир соҳада ўзини намоён қилади: давлатнинг сиёсий иродасида, таълим тизими очкилигида, маҳалла ва оммавий ахборот воситаларининг фаоллигида.

Мукамаллик тимсоли

Ахборот майдони дунё саҳнида ҳар бир халқнинг нуфузи ва таъсирини белгилайдиган энг муҳим омил экани аён. Ким ўз сўзини ишончли, тушунарли ва барқарор айта олса, ўша эътибор марказига чиқади. Шу жараёнда Ўзбекистон ҳам ўз овозини мустаҳкамлаш, ахборот оқимида миллий руҳни сақлаб қолиш учун изланмоқда. Сўнгги йилларда давлат, жамият ва ижодкорлар биргаликда миллий контент яратиш, маданият ва тарихни замонавий ёритиш, ёшлар учун фойдали медиа-маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида сезиларли қадамлар ташлади. Аммо бу йўналишда эришилган натижалар энди босқичма-босқич мукамалликка олиб борилиши керак. Чунки ахборот майдони бугун ҳаракатни тўхтатишни кечирмайдиган муҳитга айланган.

Давлат бу жараённинг асосий йўналтирувчиси сифатида муҳим ўрин эгалламоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ахборот сиёсатини такомиллаштириш, миллий контент яратиш фаолиятини кенгайтириш, медиатаълимни ривожлантириш, ёш ижодкорлар учун грант ва танловларни йўлга қўйиш шулар жумласидан. Бундай ташаббуслар миллий ғояни ифодаловчи, ёшлар онгига орзу ва меҳнатга садоқат уйғотадиган мазмунни кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, жамиятнинг фаоллиги ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга ва у оммавий ишончини талаб қилади. Бу борада жамиятнинг ҳар бир аъзоси дахлдорлик, масъулият ва керак бўлса, жавобгарлик ҳисси билан яшаши, шунга мутаносиб ҳаракат қилиши лозим.

Шунингдек, маълумотлар оқимини тўғри йўналтириш, уларда фойдали, илҳом берувчи, амалий ҳаётга яқин контентлар яратиш масаласи ўта муҳим. Ижтимоий тармоқларнинг кучи шундаки, улар жамият кайфиятини, ёшларнинг қарашини ўзгаришга олади. Шу қувватдан тўғри фойдаланилса, миллий идеални шакллантиришда қудратли воситага айланади.

Ахборот оқими тобора кучайиб, турли манбалар орқали ёшлар онгига кириб бораётган бир пайтда мазмунли контент ишлаб чиқиш масъулияти ҳар қанонидан долзарб бўлиб қолди. Сифатли медиамаҳсулотлар, ҳаққоний таҳлиллар, реал ҳаётдаги ижобий мисоллар ёшларга йўл кўрсатади. Давлат ва жамият ҳамкорлигидаги ҳаракат, ижодкорлар фидоилиги, ижтимоий тармоқларнинг мақсадли ишлаши натижаасида миллий идеални ифодаловчи мазмун мунтазам янгиланадиган туради.

Ҳар бир давр ўз қаҳрамонини яратади, лекин ҳар бир қаҳрамон аввалги авлодлар таърибасидан озиқланади. Янги авлод учун илҳом манбаи технология, илм ва ижод бўлиши мумкин, бироқ бу жараён асрлар давомида тўпланган руҳоний мерос билан боғланса, идеал шахс тимсоли баркамол авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўринга чиқади.

Мана шу идеал сиймосини онгу шуурига жо қилган авлод эса ўзлигидан узилайди, янгича фикрлайди, танлаган йўлидан оғишмайди. Ўқигани сари ўзлигини англайди, фикрлагани сари халқга яқинлашади. Бундай инсон учун орзу дегани шахсий муваффақият билан тўтмайди. У орзун эл маффаоти йўлида хизмат қилиш даражасига олиб чиқади. Шу уйғунлик янги Ўзбекистон ёшларини кучли, эътиқодли ва мақсадли авлодга айлантиради.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Яқинда Қарши шаҳрида мамлакатимиздаги илк ўзбек-олмон боғчаси — “Kinderwelt” мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлади. Германиянинг нуфузли “Ernst Klett” компанияси билан ҳамкорликда очилган бу муассасага ўтган йили Германия канцлерининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида тамаил тоши қўйилган эди. 300 ўринга мўлжалланган ушбу боғча ўқув дастурлари, тарбиячи ва педагогларни тайёрлаш услуби, дарс методикаси ва тарбиявий ёндашувлар борасида тўлақонли олмон мактабгача таълим стандартларига мос келади. Германиялик ҳамкорлар томонидан ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни тайёрлаш, дарс методикаси ва тарбиявий ёндашувлар бўйича салмоқли методик ёрдам кўрсатилди. 4 нафар педагогimiz Германияда малака ошириб, Клетт методологияси бўйича тайёргарликдан ўтди.

— Биномиз замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда болалар учун қўлай, хавфсиз ва меҳрли муҳит яратилган. Шу йил март ойида Германиядан 10 га яқин мутахассис Қаршига келиб, ҳоқимлик вакиллари, тадбиркорлар билан учрашган эди. Шундан сўнг ҳамкорликдаги замонавий болалар боғчаси биносини қуришга келишилган. Мақсад — ўғил-қизларни кичик ёшдан немис тилига ўргатиш. Шундан келиб чиқиб, тарбияланувчиларимиз немис тилини раво, мукамал талаффуз қилиши учун логопед ва психолог болалар билан ишчи ишлайди, — дейди боғча мудириси Феруза Ражабова. — Штутгарт шаҳридаги нуфузли, замонавий боғчаларда малака ошириб келган ходимларимиз билан чет эл тажрибасини миллий тарбия методикамиз билан уйғунлаштириб ишлаймиз. Машгулотларимиз немис тилида олиб борилади. Қўшимча тарзда шахмат, ментал арифметика, гимнастика, таъкиддо тўғарақлари очилади.

Айни пайтда боғчага қабул жараёни қизиган. Қизикли билдираётган ота-оналар кўп. Яқин кунларда олмон педагогларининг Қаршига келиши ва амалий ҳамкорлигини давом эттириши режалаштирилган. Зотан “Kinderwelt” нафақат янги турдаги болалар боғчаси, балки Ўзбекистон ва Германия ўртасида таълим ҳамкорлигининг амалий ифодаси бўлиб, ёш авлоднинг халқаро миқёсда рақобатбардош бўлиб камолга етишига хизмат қилади.



Бугун мактабгача таълим тизими тараққиёти йўлида Жанубий Корея, Хитой, Россия, Япония, Сингапур, Туркия, Польша ва бошқа илғор мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар эртаимиз эгаларининг хорижий тилларни барвақт ўрганишида муҳим ўрин

тутади. Жумладан, Франциянинг инновацион Кокоро лингва платформаси ёрдамида Тошкент шаҳридаги 12 та давлат мактабгача таълим ташкилотидa 5-6 ёшли қариб 1000 нафар болага француз тили бепул ўргатилаётгани ҳам халқаро ҳамкорлигининг амалий натижасидир.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги делегациясининг шу йил Сингапурга

сафари чоғида ҳам тизим тараққиёти учун зарур муайян келишувларга эришилди. Аслида, бу давлат билан таълимдаги ҳамкорлик бугун бошлангани йўқ, Сўнгги йилларда Сингапур таълим таърибасини юртимизда амалиётга татбиқ этиш учун ушбу мамлакатга кўп бор сафарлар уюштирилляпти. Бу йилги делегация аъзолари ҳам Сингапур мактабгача таълим

ташкилотларидаги илғор педагогик ёндашувлар ва инновацион ўқув жараёни билан яқиндан танишди.

Ўқув дастурларининг ўзаро узвийлиги, тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган хорижий ўқув-методик мажмуаларни маҳаллийлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Энди юртимизда мактабгача таълимнинг давлат ўқув дастури халқаро стандартлар асосида Сингапур таърибасига мувофиқлаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқилади ҳамда мактабга тайёрлов ва бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлиги таъминланади.

Яқин келажақда мамлакатимизда боғча тарбиячиларининг педагогик маҳоратини оширишга методик кўмаклашувчи “Янги авлод” боғчалари очилади. Улар том маънода, аввало, она тили, шунингдек, хорижий тилларда ҳам равои сўзлай оладиган янги авлод вакилларини тарбиялайди. Мамлакатимизнинг 14 та ҳудудидa бўёб этиладиган, болаларни ривожлантириш инновацион марказини қамраб оладиган бундай мактабгача таълим ташкилотлари қўрилиши 2026-2028 йилларга мўлжалланган. Шунингдек, қўп қаватли уйлар қурилишида улардаги аҳоли сонига мутаносиб тарзда боғчалар бўлиши ҳам назарда тутилляпти.

Мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст туман ва шаҳарларда хусусий сектор иштироки қўллаб-қувватлангани тадбиркорлар учун аини муддао бўляпти. Боғча ва мактабларнинг бўш майдонидa ҳам давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти қуришга рухсат этилиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Энди тадбиркорларга фаолиятини ўзгартирмаслик шарт билан ер участкалари бепул берилadиган, 7 йилгача имтйёзли кредит ажратиладиган бўлди.

Буларнинг барчаси мактабгача таълимга қамровни ошириш, соҳа ходимлари ҳаётини яхшилаш мақсадида бўлаётган савй-ҳаракатлардир. Ана шу эъзу ишлар орасида халқаро ҳамкорликдаги боғчалар очила бошлагани эса давр талабидир.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



II

Энди “нафси лаввома” иборасининг мазмунига келсак. “Лаввома” доим койиб турувчи деган маънони билдиради ва нафс жловини ўз қўлига олган, нафсини ақлига бўйсундирган ва нафси голиб келганда ўзини ўзи койиб, яна уни мағлуб қила оладиган кишининг нафси “нафси лаввома” деб аталади.

Нафси лаввома соҳиблари кишининг яшаши учун зарур бўлган нафсоний талабларини ҳалол йўл билан меъридан оширмасдан қондиради. Натижада бундай кишилар ўзгаларни ҳам мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечиради.

Нафси аммора соҳибига қаҳру ғазаб хос



“Нафси мутмаинна” иборасидаги “мутмаинна” сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. Нафси мутмаинна соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг ғалаёнидан қутулиб, хотиржам бўлган кишилардир.

бўлгани ҳолда нафси лаввома эгасига меҳру шафқат хос. Унга тажовуз хос бўлса, бунга ибод, тортиниш хос. Унга уятсизлик, сурбетлик хос бўлса, бунга ҳаё, адаб хос. Унга манманлик, мутақаббирлик хос бўлса, бунга камтарлик ва тавозе хос. Унга ҳаромхўрлик, бунга ҳалоллик хос. Унга ҳирс, очкўзлик хос бўлса, бунга қаноат хос. Унга ўзгаларни кўролмаслик хос бўлса, бунга ҳатто ўзида йўқ нарсалар ўзгаларда бўлса, худди ўзида бордай хурсанд бўлиш хислати хос. Нафси аммора соҳибларини ҳамма қораласа, нафси лаввома соҳибларини ҳамма ҳурмат қилади. Шунинг учун соғлом жамият аъзосининг аксарини нафси лаввомага эга кишилар ташкил қилиб, нафси аммора эгалари соғлом кишилар орасида кам бўлади.

Энди нафси мулҳамага келсак, мулҳаманин лугавий маъноси илҳомланган, илҳомлидир. Илҳом деганда, кишига бирор сирли ҳодисанинг тўсатдан аён бўлиши тушунилади. “Нафси мулҳама” деганда эса кишида турли жоизбали истаклар ўйготувчи куч тушунилади. Бундай нафс кўпроқ илм, қиммат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай нафс эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилик, гўзаллик ва санъатини севish каби хислатлар хосдир.

“Нафси мутмаинна” иборасидаги “мутмаинна” сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. Нафси мутмаинна соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг ғалаёнидан қутулиб, хотиржам бўлган кишилардир. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини ҳаёлига ҳам келтирмайдиган азиз кимсалар. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хос.

“Жавҳар” сўзи. Бунинг асли “ғавҳар” сўзидир. Лекин ҳозир булар икки мустақил сўзга айланган ва “жавҳар”нинг “ғавҳар”га нисбатан маъноси кўпроқ. “Гавҳар” сўзининг “гуҳар” шакли ҳам бор. “Гуҳар” шакли назмда вази талаби билан унинг биринчи ҳи-жоси қисқа бўлганда ишлатилади. “Гавҳар” сўзининг ёлғиз ўзи “тан-нан” рукнига тўғри келади, “гуҳар” деб айтилганда, у “та-нан” рукнида бўлади. “Гавҳар” деганда, умуман, қарим тошлар ва хусусан, марварид ёки ҳар бир нарсанинг асли ҳамда моддаси тушунилади. Оғаҳийнинг қуйидаги байтида “гавҳар” сўзи дур, яъни йирик марварид маъносиди ишлатилган:

Мусаффо тишлари кулгу чоги
лаъли лаби ичра,
Дарахшон ҳуққайи ёқут аро
покиза гавҳардур.

(Дарахшон — порлоқ; ҳуққа — жаховир ва атриёт қўтичасидир).
“Гавҳар” сўзи форс тилидан араб тилига “жавҳар” шаклида ўтган ва шу шаклда форс тилига қайтиб келиб, бошқа тилларга ҳам тарқалган. Араб адабий тилида “г” товуши йўқ, аммо адабий тилдаги “ж” товуши ўрнида Миср лаҳжасида “г” ишлатилади. Мисрликлар “мажлис”ни, “маглис”, “жамол”ни “га-

мол” деб айтади. Мана шу хусусиятга асосан, ажаам, яъни ғайирааб сўзларидаги “г” товуши араб адабий тилида “ж” товушига айланади. “Гавҳар” сўзининг араб тилида “жавҳар” шаклини олишининг сабаби шунда. “Жа-воҳир” сўзи “жавҳар”нинг кўпчилиги бўлиб, бу сўз кўпроқ асл тошларнинг умумий оти сифатида ишлатилади. Аммо “жавҳар”нинг маъноси ва ишлатилиш доираси “гавҳар”ни-кига нисбатан ҳам кенг. Лекин “гавҳар” сўзи унинг дур маъноси назарга олинганда истиора тарзида фарзандга нисбатан ишлатилиши мумкин. Чунки садафнинг қийматга эга маҳсули дур бўлганидек, фарзанд кишининг энг қадрли маҳсулидир. Аммо Навоий фарзанд маъносиди “гавҳар”нинг умумий маънога эгаллигини ҳисобга олиб, махсус сўз — “дур”ни ишлатган. Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонида Чин хоқонининг фарзандсизлиги даврини тавсиф қилиб, бундай дейди:

Не чекай қўкка бошин тождоре,
Йўқ эрса бир дур андин ёдоре.
Валадур ул дуру волид садафдур,
Садаф яъни отаву дур халафдур.

Агар “гавҳар” ва “жавҳар” сўзларининг мажозий маъноларини назарга олмасак, уларнинг ҳақиқий маъноси иккитадир. Биринчиси қийматли тош. “Гавҳар” ёки “жавҳар” деганда, инжу, яъни марварид дур, лаъл, ёқут, зумурад, забаржад, олмос, феруза каби қарим тошлар тушунилади. Демак, “гавҳар” ва “жавҳар” сўзлари қийматли тошларнинг умумий номи сифатида қўлланар экан. Бу жиҳатдан “гавҳар”нинг “жавҳар”дан фарқи шундаки, “гавҳар” тор маънода марваридга нисбатан қўлланиши мумкин. Бунчи юқорида Оғаҳий байтида кўрдик. Аммо “жавҳар” сўзи асл тошларнинг айрим турларига нисбатан ишлатилмайди.

Иккинчи маъноси, бир ниманинг аслии моддасини ва асосини билдиради. Бу маънода “жавҳар” “гавҳар”га нисбатан кўпроқ ва кентроқ истемол қилинади. “Жавҳари лиму” деганда, “жавҳар” сўзи лиму (лимон)нинг асосий моддасини, “сирка жавҳари” деганда, сирка таркибидидаги суви йўқотилган сирка моддасини билдиради.

“Жавҳар” сўзининг мазкур иккинчи маъносига асосланган ҳолда у илмий истилоҳ сифатида ҳам ишлатилади. Уни илмий атама қилиб қўлаганда “араз” атамасига қарши қўйдилар. Жавҳар мавжудот таркибининг ўзича мавжуд бўлган, араз ўзича мавжуд бўлмай, жавҳар туфайли бор бўлиб турадиган жиҳатидир.

Агар бир кийимга шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, унинг матоси жавҳар бўлади, ранги араз бўлади. Чунки матонинг, зотан, яъни мато сифатида бор бўлиб туриши учун маълум бир рангнинг аҳамияти йўқ. Лекин ранг матосиз ўзича бор бўлолмайди, ёғочдан қилинган буюм бўлса, ёғочи, темирдан ясалган бўлса, темири жавҳар бўлади. Шу буюмнинг жавҳар туфайли мавжуд бўлиб турган

ва ўз вазифасини бажариши учун зарур бўлмаган хастамалари араз бўлади, аммо унинг ўз хизматини адо этиши учун зарур бўлган шаклий жиҳати “суврат” дейилади. Масалан, кўйлак танни, қўлларнинг ҳаракатига ҳалал бермайдиган ва бошни очик қолдирган ҳолда ўраб турадиган шаклга эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, кўйлак энгли ва ёқали бўлиши зарур. Бу унинг сувартидир. Кўйлакнинг ранги, ёқа, енг, этак, тугма кўринишлари ва ҳоказолар араздур. “Суврат” сўзи “маъно” тушунчасига қарши мазмунда ҳам ишлатилади. Бунда у ўзгача маъно касб қилади.

“Суврат”нинг аразга ўхшаш жиҳати бор, бу унинг ўзича бор бўлмай, жавҳарга ўрнашган ҳолда бор бўлишидир. Масалан, кўйлакнинг суварти намоен бўлиши учун у матога ёки бошқа бирор нарсага ўрнашиши керак. Суваратинг шу жиҳатини назарда тутиб, баъзан уни амалда араздан фарқ қилмайдилар. Аммо дақиқбин олимлар, жумладан, Ибн Сино суварта жавҳарнинг бир тури деб қарайди. Сувартага маҳал, яъни ўрин бўладиган жавҳарни “ҳаоло” деб атайдилар. Суврат ҳаюлосиз намоен бўлолмаганидек, ҳаюло ҳам суваратсиз бор тусини ололмайди. Кўйлак вужудга келиши учун унинг ҳаюлосига, яъни кўйлака мўлжалланган жавҳарига кўйлакнинг суварти ўрнашиши керак. Ўрнашиш “хулул”, ўрнашувчи “ҳолл” дейилади. Аразнинг эса бундай вазифаси йўқ. Шунин назарда тутиб, сувартни ҳам жавҳар турларидан деб билладилар.

Биз “жавҳар”нинг маъносини яхшироқ тасаввур қилиш учунгина кўйлакни мисол келтирдик. Сувхат тикувчилик мавзусида борганда ҳозир биз айтган сўзлар ишлатилмади. Бу соҳанинг ўзининг “қўйлаклик”, “улгу” ёки “андоза”, “ёқали”, “ёқасиз”, “енгли”, “енгсиз”, “калта енг” сингари махсус сўзлари бор. “Жавҳар”у “араз”, “ҳаоло”ю “суврат”, “маҳалл”у “хулул” сўзлари мавжудот ҳақиқатини билишда қўлланадиган атамалар бўлиб, буларнинг маъносини билмасак, классик асарларнинг ғоясини ва эстетик

қи эса ўз эгасида қолади. Агар ўша нарсанинг ўзи ҳам олинса, яъни эгалик ҳуқуқи ҳам олувчига ўтса, бунинг бадалли “бай”, жумладан, пул бадалига олингани “сотиб олиш”, бадалсиз “ҳиба” ёки “совга” дейилади.

Демак, орият ўзгага тегишли нарсадан бадал фойдаланиб туриш экан.

Энди истиорага қайтайлик. Истиоранин лугавий маъноси ориятга олиш дедик. Услубда ҳам сўзни, бир нарсани ориятга олиб ишлатишга ўхшатиб қўллаш бор. Масалан, “арслон” сўзи ҳаммамизга маълум йиртқич ҳайвонни англатади. “Арслон” сўзининг ўша ҳайвонни англатиши унинг вазий ёки ҳақиқий ёхуд аслии ва яна ўз маъноси дейилади. Бу замонавий лингвистикада “номинатив маъно” деб аталади. Рус тилшунослигида “номинатив маъно” терминидан бошқа яна иккита “прямое значение” ва “собственное значение” деган атамалар қўлланади. Баъзи ўзбек тилшунослари сўзнинг ўз маъносини “сўзнинг тўғри маъноси” деб атайди. Бу ўша “прямое значение”нинг нотўғри таржумасидир. “Прямое дополнение”ни, яъни бевосита тўлдирувчини “тўғри тўлдирувчи” деб бўлмаганидек, сўзнинг ҳақиқий маъносини ҳам “тўғри маъно” деб бўлмайди. Илмий лингвистик асарларда “номинатив” атамасини ишлатган маъқул. Оммабоп нуқтада “ҳақиқий”, “аслий” ва “ўз” сўзларининг ҳаммасидан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, “арслон” сўзининг ўз маъноси маълум ҳайвон, яъни шерни билдиришидир. Мана шу “арслон” ёки “шер” сўзини сўзловчи арслонга ўхшашган ишжотли ва мардона йигитга нисбатан ишлатса, бу истиора бўлади. Бунда сўзловчи арслонни билдириш учун яратилган сўзни йигитни ифодалаш учун ориятга олгандай бўлади. Бу бадий восита бўлиб, санъат ҳисобланади ва “истиора” деб аталади. Истиора ўхшашлик асосида вужудга келади. Шунинг учун истиорани ўхшатишнинг қисқарган шакли деб тушуниш мумкин. Агар мард йигит “арслондай” ёки “шердай йигит” дейилса, ўхшатиш ёки таш-



“Жавҳар” сўзининг мазкур иккинчи маъносига асосланган ҳолда у илмий истилоҳ сифатида ҳам ишлатилади. Уни илмий атама қилиб қўлаганда “араз” атамасига қарши қўйдилар. Жавҳар мавжудот таркибининг ўзича мавжуд бўлган, араз ўзича мавжуд бўлмай, жавҳар туфайли бор бўлиб турадиган жиҳатидир.

принципларини яхши тушуна олмаймиз. Бу эса, ўз навбатида, нутқимизга салбий таъсир кўрсатади. Нутқ одобига риоя қилиш учун жавҳар тошдан жонни, фотосуратдан мавжудот сувартини, боланинг аразидан табиат аразини фарқлашимиз керак.

“Истиора” сўзи. Бу сўзнинг лугавий маъноси “ориятга олиш”дир. “Орият” аслида олди-беридига оид сўз бўлиб, ўзга кишининг нарсасидан бадалсиз, яъни текин фойдаланишидир. Бадал бўлса, яъни фойдаланиш эвазига пул, меҳнат ёки бирор нарса берилса, ижора ёки ижара ҳамда кире ёки кира бўлади. Орият ва ижорада ориятга ёки ижорага олинган нарсанинг фақат маффаати олинади, ундан вақтинча фойдаланилади, эгалик ҳуқу-

беҳ бўлади. Агар “йигит” сўзини тушириб, “арслон” ёки “шер” дейилса, истиора бўлади. Агар муғамбир киши “тулксифат қишди” дейилса ўхшатиш, агар “тулки” дейилса, истиорадир. Мазмун жиҳатдан истиоратга яқин “метафора” деган тушунча ҳам бор. Лекин метафора бир жиҳатдан қисман ташбеҳни ва иккинчи жиҳатдан сўзнинг тил доирасидаги маъно кўчиришини ҳам ўз ичига олади. Истиора эса мазмун жиҳатдан метафоратга нисбатан тор бўлиб, услубга хос атамидир. Шунинг учун рус шарқшунослари аниқ таъбир керак бўлганда “истиора”ни таржима қилмасдан ишлатади. Ўз навбатида, метафора ҳам таржима қилинмай, ўзича қўллана беради. Бироқ метафорани билган кишига

истиорани, истиорани билганга метафорани тушунтиришда буларни қиёслаб изоҳлаш мумкин.

Шерда “май” сўзи ва маънодошлари истиора тарзида илму маърифат ва ишқу муҳаббат маъноларида қўлланиши мумкин. Сўзни назарда тутмасдан, шу сўз билдирган нарсанингу тузини эътиборга олганда, яъни, масалан, “май” сўзини эмас, майнинг ўзини илму маърифат ва ҳоказоларнинг тимиоли деб тасаввур қилинганда, бун “ишора”, “рамз” ёки “символ” деб атайдилар. Агар шу тасаввурга асосланиб яна сўзга қайтилса-ю, сўзнинг маъноси назарга олинса, бу рамзий ёки символ маъно дейилади. Агар рамз ёки символлар системаси эътиборга олинса, бун “ишорот”, “румз” ёки “символика”, дейдилар.

Энди шоир сўзларни, жумладан, “май” сўзини ўз маъносиди ёки истиора тарзида қўллаганини қандай биламиз деган савол туғилади. Унинг жавоби бундай:

биринчидан, шоирнинг қайси адабиётга мансублигини назарга олиш керак. Қабиҳ адабиёт вақилидан маърифат эмас, физикуюж ўрганиш мумкин. Классик шоир ва буюқ олимдан эса ичкиликбозлик тарғиб қилинишини кутиш мумкин эмас.

Иккинчидан, асарнинг мавзуси ва мазмунини ҳисобга олиш керак. Агар мавзу ичкилик ҳақида бўлса, “май” сўзи ва маънодошлари асар мазмуниди бўлади ва бунда шоирнинг ичкиликка муносабати баён қилинади. Агар мавзу илму маърифат бўлса, мазкур сўзлар асарнинг формасиди бўлади ва бу ҳолда улар ўз маъносиди қўлланмаган ҳисобланади.

Учинчи белги шундан иборатки, мазкур сўзлар ичкилик даражасига симайдиган мутлақ тушунчаларга нисбатан қўлланган бўлади ёки шундай тушунчалар таркибиди берилади. Масалан, шоир майни мен ток вужудга келмасдан илгари ичганман ёки “Қабрим ёнидан ўтган одам, май ҳидига маст бўлади”, деса, гап ичкилик ҳақида эмаслиги маълум бўлади.

Энди мисолларга ўтайлик. Майпарастликда машхўр бўлгани учун Умар Хайёмдан бошлаймиз. Умар Хайём буюқ олим бўлган. Шунинг учун унинг ўзига мансуб рубойларида “май” сўзи ва унинг маънодошлари илм ва унинг лаззатини ифодалаш учун истиора қилинади.

Илмий маълумотдан хабар топишнинг, айниқса, бирор илмий ҳақиқатни кашф қилишнинг кишига улугъ лаззат бағишлашини энг қадимги олимлардан тортиб, ҳозирги олимларгача таъкидлаган. Кашф қилинган ёки идрок этилган ҳақиқатнинг даражаси қанча улугъ бўлса, лаззати ҳам шунчалик лавиз бўлади. Бу лаззатни табиб кўрган олим илмни ўзга мақсадлар, жумладан, обрўю шуҳрат, мансаб қозониш воситасига айлантормайди.

Илмни воситига айлантирганлардан ҳақиқат йироқлашади ва уларнинг ўзи ҳам илмий уянгилқидан кўра, эски бўлса ҳам, жамият ва яқини эъзолари, жумладан, ўзларига зарарли бўлган майда гапларни, турли ғийбатларни афзал кўрадиган кишиларга, тўғрироғи, нокишиларга айланади. Бундай олимларга нисбатан илмга қизиққан авом кишилар яхшироқ бўлиб, булар илм хосиятидан мазкур илмфурушларга нисбатан кўпроқ баҳраманд бўлади.

Энди Умар Хайёмга қулоқ солинг. Унинг бир рубойи бундай:

Акун ки гули саодат пур борасть,
Дасти тузи Жами май чиро бекорасть.
Майхўр ки замона душмане даядораст,
Дарёфтери рӯзи чунин душвораст.

Яъни “Ҳозир саодатнинг гули серхўш пайтда нега қўлинг май жом билан машғул эмас? Май ичиб қол: чунки замона ўта бевафодушмандир. Бугунгидай кунни топиш қийин”.

Мана шу рубойидаги “май” ва “жом” сўзлари истиора бўлгани учун бун қуйидагича тушуниш керак:

“Ҳозир куч-қувватга тўлган саодат гулидан мўл ҳосил олишнинг мумкин бўлган навқирон пайтнингда ўзингни ўзинг ичкилик билан заҳарламасдан ва бошқа беҳуда ишлар билан машғул бўлмасдан, ирода қўлини ишта солиб, кўнгли жонини маърифат майи билан тўлдир. Кишини бадбахт қиладиган ичкиликни эмас, саодатга мушарраф этакдиган маърифат майини ҳозир имкон борида ичиб қол. Чунки замона ҳозирги ёлғизнинг, куч-қувватнинг ва имкониятнингдан ва охири жонингдан ҳам сени жудо қиладиган ғадддор душмандир. У сени қаритиб, турли дардларга мубтало қилганда, бундай кунларни тополмайсан ва бу дунёдан ўқинчун надомат билан ўтасан”.

Ҳофиз Шерозий:
Алоё айўҳас соқий,
адир қаъсан ва нозилҳо

Ки ишқ аввал намуд осон,
вале ўғод мушқилҳо,
яъни “Қани, эй соқий, бир косани айлан-тириб, уни менга ҳам етказ. Чунки ишқ аввал осон кўриниб, кейин қийинчиликлар юз бери-ди”, дейди.

Бу байтдаги соқийдан мурод маърифат тарқатувчи кишидир. Косадан мақсад маърифатдир, ишқ эса маърифат ишқидир. Бинобарин, бу байтнинг ҳақиқий мазмуни бундай бўлади:

“Эи маърифат ошиқларининг устози, маърифат идрокки менга аввал осондек кўринган эди, аммо бунинг кўпгина қийинчиликлари чикиб, менинг унга ишқимни сувайтира бошлади. Шунинг учун сен давранга йиғилган шоғирдларингни, жумладан, мени маърифат сирларидан бир озгина огоҳ қилиб, советган кўнглимизни қиздир!”.

Абдурахмон Жомий:
Жаҳди мул кунки, боз аҳди гуласт,
Аҳди гулро қарина жаҳди муласт,
яъни “Гул аҳди, гул фасли келди, мул жаҳдини, яъни май ҳаракатини қил”, дейди. “Гул аҳди” ибораси билан “мул аҳди” ибораси вази, қофия ва шаклдошлик жиҳатидан бир-бирига мос бўлгани учун бир санъатли сажънинг икки бўлагидан иборатдир. Буларнинг бири иккинчисининг ҳам бўлишини тақозо қилади.

Бу байтда ҳам мул, яъни май — маърифат, гул аҳди, яъни гул вақти эса умр баҳори ва маърифат касби учун иштёк бор ёки қулай пайтдир. Шунга кўра байтнинг ҳақиқий мазмуни мана бундай:

“Табиатнинг баҳори гуллаб, маърифат майидан лаззат олиш учун қулай шароит туғилди. Шунга ҳозирлик кўр, вақтни қўлдан берма. Шундай қилиш кераклигини “гул аҳди” билан “мул жаҳди” иборалари орасидаги шаклий уйғунлик ҳам талаб қилиб турибди”.

Гул даврида ич боданиким,
оқил эмастур,
Ҳар кимки бу кун дунёда
хушёр топилса,

дейди. Бу байтдаги гул давридан мурод яна ўша умр баҳори, яъни кишининг илм ўрганиш, ҳунар эгаллайдиган ёшлик даври ва бода, яъни майдан мақсад маърифатдир. Бинобарин, бу байтнинг баҳорини ичкиликбозлик қилиб, кўнглини айинтиб, бошингни огритиб ўтказ деб эмас, балки қуйидагича тушуниш керак:

“Умрдан яхши ҳосил олиш учун унинг гул давридагидек гуллайдиган, ҳосилга замин тайёрловчи ёшлик даврида ичкилик эмас, маърифат бодасини ич. Кимки бу дунёда ичкилик туфайли эс-хушини йўқотмаган бўлса-ю, ҳунар ўрганиб, илм олиб, ҳақиқат сирларини билишга интилиб, камолот ҳосил этишга ҳаракат қилмаса, уни ақли киши деб бўлмайди”.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.

34751 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов

Мусахҳис: Акбар Қаршиев

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 03:06 Тошхириди — 03:55